

Ширинов Музаффар Кучарович,

Тошкент Кимё халқаро университетининг
“Педагогика ва психология” кафедраси доценти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
(Phd)

Нуриддинова Маржона Эркиновна,

Тошкент Кимё халқаро университети магистранти

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАБИАТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУР ВА ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

УЎК: 373.3

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_11_7](https://doi.org/10.34920/so/vol_2025_issue_11_7)

ШИРИНОВ М.К., НУРИДДИНОВА М.Э. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАБИАТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУР ВА ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини шакллантириш масалалари ёритилган. Тадқиқот жараёнида табиатга оид билимларни болалар онгида мустаҳкамлаш, уларда экологик маданиятни ривожлантириш усуллари таҳлил қилинган. Шунингдек, педагогик тажриба ва кузатувлар асосида табиат ҳақидаги билимларни шакллантиришнинг самарали моделлари таклиф этилган. Тадқиқот натижалари болаларнинг табиатни англаш ва муҳофаза қилишга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартиришини кўрсатди.

Таянч сўз ва тушунчалар: табиат, тасаввур, тушунча, бошланғич таълим, экологик маданият, педагогик модель, ўқитиш методикаси.

ШИРИНОВ М.К., НУРИДДИНОВА М.Э. ФОРМИРОВАНИЕ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ И ПОНЯТИЙ О ПРИРОДЕ

В статье рассматриваются вопросы формирования представлений и понятий о природе у учащихся начальных классов. В ходе исследования анализируются методы укрепления знаний о природе и развития экологической культуры у детей. На основе педагогического опыта предложены эффективные модели формирования природоведческих знаний. Результаты исследования показали положительное влияние разработанных методик на отношение детей к природе и её охране.

Ключевые слова и понятия: природа, представления, понятия, начальное образование, экологическая культура, педагогическая модель, методика обучения.

SHIRINOV M.K., NURIDDINOVA M.E. FORMATION OF PERCEPTIONS AND CONCEPTS ABOUT NATURE AMONG PRIMARY SCHOOL STUDENTS

The article discusses the development of perceptions and concepts about nature among primary school students. The study analyzes methods for strengthening students' knowledge of nature and fostering ecological culture. Based on pedagogical experience, effective models for forming environmental understanding are proposed. The results show that these methods positively influence students' attitudes toward nature and environmental protection.

Key words and concepts: nature, perception, concept, primary education, ecological culture, pedagogical model, teaching methodology.

Кириш. Бугунги глобаллашув даврида табиат ва атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар жадаллашмоқда. Аҳолининг экологик маданияти, табиат билан уйғун яшаш ғояси, табиатни асраб-авайлаш жараёнлари ҳамда бу йўналишда таълимнинг роли катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Бошланғич таълим босқичида болаларда табиат ҳақидаги биринчи тасаввурлар — жонли ва жонсиз табиатнинг бўлиниши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, инсон-табиат муносабати каби тушунчалар шаклланади. Шу боис, болаларда табиатга бўлган муносабатни, унинг қонуниятларини тушунишни тарбиялаш, экологик онгни уйғотиш мактаб таълимининг муҳим вазибаларидан бири ҳисобланади. Шу мақолада бошланғич синф ўқувчиларида табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш учун педагогик модел таклиф этилади, шунингдек, мактаб шароитида унинг амалий татбиқини ўрганиш кўзда тутилади.

Мавзунинг долзарблиги. Табиат ва атроф-муҳит масалалари XXI асрдаги инсон жамияти учун стратегик аҳамият касб этмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — барчаси болалар тарбияси, уларнинг табиат билан муносабати орқали шаклланади. Бошланғич таълим босқичида болаларга жонли ва жонсиз табиат, экосистема тушунчаларини тушунтириш, табиат-инсон муносабатини уйғотиш муҳимдир¹. Ўзбекистон шароитида табиат, экологик маданиятни бавжудга келтириш учун мактабларда интеграцион таълим ва методик тадбирлар жорий этилиши долзарбдир. Шунингдек, педагогика ва методика соҳасида бошланғич синфларда табиат билан боғлиқ тушунча ва тасаввурларни шакллантириш бўйича амалий тажрибалар ва илмий тадқиқотлар чекланган. Шу сабабли мазкур мавзу бугунги кунда таҳлил этилиши талаб этилади.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили. Педагогика ва методика соҳасида табиатшунослик, экологик тарбия, бошланғич таълимда фанлараро

раро муносабатни ўрганиш, табиат ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, бошланғич синфларда экология тарбияси фанлараро интеграцияси орқали амалга ошириш масаласи бир тадқиқотда қаралган: «Бошланғич синфларда фанлараро экологик тарбия» мақоласида болаларда табиатни тушуниш ва табиат билан муносабатни шакллантириш бўйича фикрлар келтирилган². Шунингдек, табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси масалалари бўйича ҳам тадқиқотлар мавжуд: «Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси» номли мақолада табиат бурчагида ўқувчиларни табиат билан таништириш усуллари, унинг аҳамияти ёритилган. Шу билан биргаликда, мактабгача ва мактаб ёшида экологик таълим ва тарбия масалалари юзасидан ҳам тадқиқотлар бажарилган. Масалан, «Мактабгача экологик таълим ва тарбия» мақоласида ёш болаларда атроф муҳитни тушуниш, табиат билан муносабатни шакллантириш учун принциплар берилган³.

Мақоланинг илмий янгилиги. Мақолада бошланғич синф ўқувчиларида табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш учун педагогик модель таклиф қилинган.

Ушбу модель маҳаллий шароит — Ўзбекистон мактаблари ҳолати, мактаб ҳудудидаги табиат муҳити ва болаларнинг хусусий тажрибасини инобатга олади.

Моделда интерактив, кооператив фаолиятлар, дала машғулоти ва болаларнинг мустақил кузатиш ҳамда тадқиқ қилиш фаолиятлари негиз қилинади.

Илмий изланишларда кўпинча мактабгача ёш гуруҳларига эътибор берилган бўлса, мазкур тадқиқот бошланғич синфда (1-4 синф) табиат билан боғлиқ тушунчаларга кўпроқ эътибор қаратади.

Экспериментал тадқиқот воситаси айнан мактаб шароитида қўлланиб, болаларда табиатга бўлган муносабат ва тушунчаларининг динамикаси таҳлил қилинади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Таълим дастури, мактабгача ва мактаб таълим тизимида табиат, жонли ва жонсиз табиат бўйича модулар. 2020 йил. Республика таълим маркази.

² Норбўтаев Х.Б. Бошланғич синфларда фанлараро экологик тарбия. // «Замонавий таълим» илмий-амалий оммабоп журнали, 2018 йил, 53-58 бетлар.

³ Шарипова Д., Ходиева Д., Ширинов М. Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси. Дарслик. - 2020 йил.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларида табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш учун педагогик моделни ишлаб чиқиш ва уни мактаб шароитида синовдан ўтказишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини бошланғич синфда таълим олаётган болалар ва уларнинг табиат ҳақидаги тасаввурлари, тушунчалари шаклланиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини болаларда табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришга қаратилган педагогик усуллар, уларнинг самарадорлиги, методик усуллар ва болаларнинг фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг эмпирик манбаи - бу бошланғич синф ўқувчилари билан ўтказилган машғулотлар, тадбирлар, тест, анкеталар, кузатиш жадваллари, дала машғулотлари, атроф табиат билан боғлиқ фаолиятлар (экскурсиялар, кузатувлар) натижалари.

Асосий қисм. Табиат — жонли ва жонсиз организмлар, экосистемалар, биосфера билан боғлиқ бутун тизимни ифодалайди. Болаларда табиатни тушуниш жараёнида жонли ва жонсиз табиат ўртасидаги фарқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, инсон-табиат муносабати, табиатни муҳофаза қилиш мавзулари амалий аҳамият касб этади. Табиат ҳақидаги тасаввурлар боланинг ўсиши, ахлоқий тарбияси, экологик маданиятини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилган.

Болаларда тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш психологияси.

Болалар фикрлаш ёшига қараб табиат ҳақидаги тушунчалар шакллана бошлайди. Бошланғич синфларда улар визуал, амалий тажрибалар орқали мустақкам тушунчаларга эга бўладилар. Ушбу жараёнда болаларнинг ўйин, кузатиш, мулоқот, тадқиқ қилиш фаолиятлари катта аҳамиятга эга.

Бошланғич таълимда табиат билан ишлаш методикаси: Бошланғич мактабда табиат билан ишлаш методикаси бир қатор усулларни ўз ичига олади: визуал воситалар, ўйинлар, лаборатория ёки хонадаги мини-экспериментлар, дала машғулотлари, экскурсиялар, болаларнинг мустақил кузатишлари. Масалан, табиат бурчаги ташкил қилиш, мактаб ҳудудида ўсимлик ва ҳайвонларни кузатиш, жонли табиатга боғлиқ лойиҳалар бажариш

каби фаолиятлар болаларда табиат ҳақидаги мисоли тушунчаларни бойитади¹.

Болаларда табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш босқичлари:

1. Танишув босқичи — болаларга «жонли ва жонсиз табиат» деган тушунчаларни визуал тасвирлар, ўйинлар орқали киритиш.

2. Фаол қатнашиш босқичи — мактаб ҳудуди, боғларда, ёки синфда мини-экспериментлар, кузатувлар ўтказиш; болаларни табиатни кузатишга, саволлар беришга жалб этиш.

3. Мулоқот ва тадқиқ босқичи — болалар гуруҳларда ёки индивидуал равишда табиат билан боғлиқ лойиҳалар бажаради (масалан: мактаб ҳудудидаги ўсимликларни рўйхатга олиш; ҳайвонлар ҳақида кутилаётган гапларни текшириш).

4. Амалга ўтказиш ва ахборотлаштириш босқичи — болалар топган материалларини синфда тақдим этади, муҳокама қилади; табиатни асраб-авайлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

5. Мулоқот ва ижобий муносабатни шакллантириш босқичи — табиатни сақлашга, атроф муҳит билан уйғун яшашга болаларни қизиқтирувчи тадбирлар ўтказилади, уларнинг табиатга муносабати ўзгариши кузатилади.

Ўқитиш методикаси: мақсад, вазифалар ва усуллар:

Мақсад: бошланғич синф ўқувчиларида табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни шакллантириш, табиатга муносабатини уйғотиш, экологик маданиятни тарбиялаш.

Вазифалар:

- болаларда жонли ва жонсиз табиат тушунчасини аниқлаш;

- болаларнинг табиатга бўлган қизиқишини уйғотиш;

- кузатиш, тажриба, мулоқот фаолиятлари орқали табиатни англаш қобилиятини ривожлантириш;

- табиатни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилишни тарбиялаш;

- гуруҳда, индивидуал ҳамда амалий фаолиятлар орқали болаларнинг табиат билан муносабатини мустақкамлаш.

¹ Жўраева Н.Қ. Бошланғич таълимда табиатшуносликни ўқитиш методикаси. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2020.

1-жадвал. Тадқиқот натижалари таҳлили

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (27 нафар)	Тажриба гуруҳи (28 нафар)
Табиатидаги жонли-жонсиз объектларни тўғри ажратиш	52%	89%
Табиат ҳодисаларини тушунтириш қобилияти	48%	85%
Табиатни муҳофаза қилишга онгли муносабат	55%	93%

Ўқув фаолиятлари ва усуллар: Визуал усуллар: жонли ва жонсиз табиатни акс эттирувчи расмлар, фотосуратлар, схема ва плакатлар.

Кузатиш ва тажриба усуллари: мактаб ҳудудида ўсимликлар ва ҳайвонларни кузатиш, мини-экспериментлар, табиат бурчаги уюштириш.

Ўйинлар ва гуруҳли фаолиятлар: “Мен табиатда нима кўраман?”, “Қайси ўсимликни таниб олиш мумкин?” каби ўйинлар.

Интерактив ва мулоқот усуллари: болалар гуруҳда муҳокама қилади, саволлар беради, жавоб топишга ҳаракат қилади.

Дала машғулоти: табиат экскурсиялари, мактаб яқинидаги ҳудудни ўрганиш, табиат билан алоқада бўлиш.

Лойиҳалар ва презентациялар: болалар ўз топишларини тақдим этади, табиатни асраш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Тадқиқот ўтказилган мактаб, гуруҳ ва методикаси: Тадқиқот 2024–2025 ўқув йили давомида Тошкент шаҳридаги 345-умумтаълим мактабида ўтказилди. Тажрибада 4-синф бошланғич таълим ўқувчиларидан жами 55 нафар бола иштирок этди. Улар тасодифий танланма асосида икки гуруҳга бўлинди:

1. Назорат гуруҳи – 27 нафар ўқувчи.
2. Тажриба гуруҳи – 28 нафар ўқувчи.

Тадқиқот жараёнида ўқувчиларга табиат ҳақидаги билим ва тасаввур даражасини аниқлаш учун 8 та сўровнома саволи асосида анкета тузилди. Саволлар болаларнинг табиатни англаш, уни муҳофаза қилишга муносабати, табиий ҳодисалар ҳақидаги билимини текширишга қаратилган эди.

Сўровнома саволлари намунаси:

- Табиатидаги жонли ва жонсиз объектларни айта оласизми?
- Нима учун дарахтлар инсон учун муҳим деб ўйлайсиз?
- Сувни тежаб ишлатиш нима учун керак?
- Агар ерда чиқиндилар кўрсангиз, нима қиласиз?

- Табиатдаги фасллар нима учун ўзгаради деб ўйлайсиз?

- Қушлар ва ҳайвонларни асраш нима учун зарур?

- Табиатидаги ҳаво, сув, тупроқнинг аҳамияти ҳақида нималарни биласиз?

- Табиатни муҳофаза қилишда болалар нима иш қилиши мумкин?

Тадқиқот босқичлари: Диагностик босқич (бошланғич тест): Икки гуруҳдаги ўқувчиларнинг табиат ҳақидаги дастлабки билими ва тасаввури аниқланди. Назорат гуруҳида табиат ҳақидаги билимлар ўртача 47% даражада бўлди. Тажриба гуруҳида — 49%.

Педагогик таъсир босқичи: Тажриба гуруҳида табиат ҳақидаги билим ва тушунчаларни шакллантириш учун махсус педагогик модел жорий этилди. Бу модел қуйидагиларни ўз ичига олди: табиат ҳодисаларини кузатиш; мактаб ҳовлисида мини-экспериментлар ўтказиш; интерактив ўйинлар ва ролли машғулоти (“Табиатни асрайлик”, “Мен — эко муҳофазачилар раҳбари”) ташкил этиш; табиатга чиқиш экскурсиялари (мактаб атрофидаги боғ ва гулзорларда).


Назорат босқичи (сўнгги синов): Педагогик таъсирдан сўнг иккала гуруҳда сўровнома қайта ўтказилди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчалари бўйича тадқиқот натижалари қуйидаги диаграммада (1-расм) Тошкент шаҳри 345-мактаб 4-синф ўқувчилари (жами 55 нафар) орасида ўтказилган тажриба натижалари акс эттирилган. Тажриба гуруҳи табиат ҳақидаги билим ва муносабат бўйича назорат гуруҳидан юқори натижа кўрсатган.

Диаграммадан кўриниб турибдики, педагогик моделнинг жорий этилиши натижасида болаларнинг табиатни англаш ва муҳофаза қилиш кўникмалари сезиларли даражада ошган.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот синов натижалари шуни кўрсатдики: Кириш тестидан

1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчалари.



олган натижаларда болаларнинг кўпчилиги жонли ва жонсиз табиат тушунчасини равшан билишмаган, уларда табиат-инсон муносабати, табиатни асраш зарурлиги ҳақида етарли тасаввур юзга келмаган эди. Экспериментдан сўнг (педагогик модел жорий қилинган) болаларда табиат билан боғлиқ тушунчалар аниқроқ шаклланди: болалар табиатда кузатишлар ўтказди, саволлар берилди, мулоқотда фаол бўлди. Машғулотларда болаларнинг қизиқиши ва фаоллиги орта бошлади; улар синфдан ташқари далада фаол ишлашни, микроэкспериментлар ўтказишни ишташди. Болалар ўз топишларини синфда тақдим этишди, табиатни асраш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиқишди. Ўқитувчилар кузатув жадваллари орқали болаларнинг табиатга муносабатининг ижобий томонга ўзгарганини қайд этишди.

Тадқиқот шуни кўрсатдики: биринчи босқичда табиат ҳақидаги тасаввурлар кўпинча турли тил, тушунча алоқаси бўлмаган, болаларда табиатга нисбатан пассив муносабат мавжуд эди. Педаго-

гик моделни жорий қилиш орқали болаларда табиатни фаол ўрганиш, мулоқот қилиш, кузатиш ҳуқуқида иштирок этиш истаги пайдо бўлди. Бу эса болаларда табиат билан уйғун яшашга, уни асрашга бўлган муносабатни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Шунингдек, методикада интерактив ва амалий усулларнинг қўлланилиши болаларнинг тадқиқ этиш, савол бериш ва топиш фаолиятини рағбатлантирди. Масалан, дала машғулотлари болаларнинг табиатни назоратсиз, мустақил равишда кузатишини таъминлади ва уларнинг табиат ҳақидаги тасаввурлари бойиди.

Хулосалар:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар биринчи босқичда ноаниқ ва турлича шаклланганлиги аниқланди.

2. Табиат ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришда визуал, амалий, интерактив усуллар, болаларнинг фаол иштирокни таъминлаш муҳим эканлиги исботланди.

3. Педагогик модель — танишувдан тадқиқ ва амалга ўтказишгача бўлган босқичларни қамраб олган — болаларда табиат билан боғлиқ билим ва муносабатларни мустақамлашда самарали эканлиги лаборатория (эксперимент) жараёнида тасдиқланди.

4. Болаларда табиатни асраш, атроф муҳитни муҳофаза қилишга қизиқиш пайдо бўлди, уларнинг табиатга муносабати ижобий томонга ўзгарди.

Таклифлар:

1. Мактабларда бошланғич синф бўйича табиат билан боғлиқ дарс ва машғулотларни гуруҳли, интерактив ва дала асосида ташкил этиш;

2. Ўқитувчилар учун табиат-экология таълимини амалий фаолиятлар билан бойитувчи методик қўлланмалар тайёрлаш;

3. Мактаб яқинидаги табиат муҳити (боғ, парк, мактаб ҳудуди) болаларни кузатиш ва тадқиқ қилиш учун фаол майдонга айлантириш;

4. Болаларда табиат бўйича лойиҳа фаолиятини ташкил этиш — мисол учун «Менинг табиатга боғлиқ лойиҳам» шу каби — ва уни синфда тақдим этиш тadbирлари жорий этиш;

5. Маъмурият ва таълим идоралари мактабларда экологик ва табиатшунослик йўналишида ўқитувчиларни малакасини ошириш учун тренинглар ва семинарлар ўтказишни таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Таълим дастури, мактабгача ва мактаб таълим тизимида табиат, жонли ва жонсиз табиат бўйича модулар. 2020 йил. Республика таълим маркази.

2. Норбўтаев Х.Б. Бошланғич синфларда фанларараро экологик тарбия. // "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журнали, 2018 йил, 53-58 бетлар.

3. Шарипова Д., Ходиева Д., Ширинов М. Табиатшунослик ва уни ўқитиш методикаси. Дарслик. - 2020 йил.

4. Жўраева Н.Қ. Бошланғич таълимда табиатшуносликни ўқитиш методикаси. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2020.

5. Раҳимов М. Экологик таълим ва тарбия назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2019.

6. Содиқова Д. Табиат ва инсон муносабати. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2021.